

Growth Biology of Crocus Sativus L. In South Uzbekistan

Nazaralieva Mahfuza Pardaevna

Lecturer at Termez State University

Mahfuza_Nazaraliyeva@tersu.uz

<https://orcid.org/0000-0001-8117-1167>

Umurova Aziza Alijon qizi

Termez State University

2nd year student of biology education

Annotation: This article describes the methods of growing and propagating saffron in the southern regions of the Uzbekistan.

Keywords: C.sativusL, introduction,reproductive reproduction

Экма заъфарон (*C. sativus* L.) – гулсафкардошлар Iridaceae оиласи *Crocus* L. туркумига мансуб туганак пиёзли, кўп йиллик ўсимлик ҳисобланиб, *C. cartwrightianus* Herbert турининг диплоид хромосомаларнинг триплоидга ўзгариши ҳисобига келиб чиқсан. *Crocus* L. туркуми ва унинг таркибидаги *C. Cartwrightianus* тури 9 та турни ўз ичига оловчи *Crocus* секциясига мансуб: *C. cartwrightianus* ва унинг ҳосиласи *C. sativus*, *C. moabiticus*, *C. oreocreticus*, *C. pallasii*, *C. thomasii*, *C. hadriaticus*, *C. asumaniae* ва *C. mathewii* турларидан ташкил топган. Ўсимликнинг систематикасида қайд этилган барча турларнинг орасида фақатгина Экма заъфарон (*C. sativus* L.) ўсимлиги алоҳида ва плантация ҳолатида экилади, гул чангчи(хом-ашё)лари фойдалилиги жиҳатидан ишлатилиди. *Crocus sativus* – генетик жиҳатдан соматик хромасома тўплами 24 та яъни триплоид. Бу ўсимликда мейоз жараёни нормал кечмаслигидан далолат беради [1].

Экма заъфаронни экиш муддати худуднинг тупроқ ва иқлим шароитига қараб аниқланилади. Экма заъфарон етиштириладиган мамлакатларда тупроқ ва иқлим шароитини инобатга олган ҳолда экиш муддати июл ойидан сентябр ойигача белгиланган. Франция, Италия, Испания, Греция, Украина, Болгария, Туркия, Россия, Озарбайжон мамлакатларида экма заъфаронни экиш муддати сентябр ойида амалга оширилиб, ҳар гектар майдонга 4-5 т дан туганак пиёзлар қатор тортилмасдан текис майдонга экилади. Эрон ва Афғонистонда экма заъфаронни экиш муддати июл ойида белгиланган бўлиб, ҳар гектар майдонга 1 т, қатор тортилмасдан текисликда экилган майдонларда 3 т гача туганак пиёз сарфланади. Ўзбекистон ва Тожикистон экма заъфаронни экиш муддати август ойининг биринчи ярмида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир, сабаби ўсимлик репродуктив жараёнга кириши, яъни гуллаш жараёни билан узвий боғлик [2,5].

Демак, турли минтақаларда ва мамлакатларда экма заъфаронни етиштириш, унинг дехқончилигини амалга оширишга турлича ёндашилган.

Шунингдек, экма заъфарон плантациялари учун ер майдонларини танлашда ўсимликнинг биоэкологик хусусиятларидан келиб танлаш мақсадга мувофиқдир. Яъни, ёруғлик кўп тушадиган, ҳавонинг нисбий намлиги юқори бўлган, ер ости сувлари тупроқ юзасига 2-3 м гача жойлашган ва майнин шамол эсадиган нишаброк майдонлар ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир этиб, ҳосилдорликни миқдор ва сифат жиҳатидан юқори бўлишини таъминлайди. Тадқиқотларимиз заъфарон туганак пиёзларини ўта шўрланган ва шағалли қаттиқ берч тупроқларда яхши ривожланмаслигини кўрсатди. Шунингдек, таркибида кальцийли тузлар ва унумдорлиги ўртacha бўлган тупроқларда экма заъфарон ўсиши мумкин, аммо бу ерларда ҳосилдорлик сезиларли даражада паст бўлади. Ўз навбатида, ўсимликни етиштириш учун энг мақбул тупроқлар бўз, соз, кумлоқ, унумдор ва оз бўлсада сув билан таъминланган худудларда экиш тавсия этилади. Демак, тупроқ шароит ҳам ўсимликнинг ўсиш ва ривожланишига ижобий таъсир этади. Бундан ташқари, заъфарон ўсимлигини намлик тўпланган ва pH нисбати 8,5 дан юқори бўлган ерларда ўстириш мумкин, унумдор тупроқлар заъфароннинг яхши ўсиши ва серҳосил бўлишини таъминлайди.

Ўсимлиқдан юқори ҳосил олиш аввало агротехник ишларни тўғри ташкил этиш билан боғлиқ. Экишдан олдин майдон 50 см чукурликда ҳайдалади. Термиз шахри худудининг тупроғи қумлоқ бўлиб, ўсимлик туганакпиёзларини экишдан аввал албатта табиий чиринди солиниши керак. Экма заъфароннинг ёргувесвар ўсимлик бўлиб, туганак пиёзларни республикамиз иқлим шароитида август ойида экилади. Термиз ҳудудида ҳаво ҳароратнинг юқори бўлиши сабабли ўсимлик тугунак пиёзларини август ойининг учинчи ўн кунлигида экиш мақсадга мувофиқ. Шу вақтда тупроқ юзасида кундузи ва кечки қизиш кўрсатгичи $40-45^{\circ}\text{C}$ дан ошмайди. Туганак пиёзлар тупроққа экилгандан кейин майдон захлатиб суғорилиши билан, тупроқдаги ўртacha ҳарорат $23-28^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этади. Бу шароит экма заъфарон туганак пиёзларининг униш жараёнини бошланиши ва жадал кечиши учун оптимал ҳисобланади [3,4].

2018-2020 йилларда *C. sativus* Афғонистон экоформаси экилди. Тугунак пиёзларининг униб чиқиши учун 35-38 кун сарфланди. Тугунак пиёзларнинг унувчанлиги 70 % ни ташкил этди. Термиз шахри интродукция шароитида ёш тугунакпиёзларнинг ҳосил бўлишига қараб бир уядаги ўсимликларнинг биоморфологик кўрсаткичлари таҳлил қилинди (1-жадвал).

1-жадвал.

Термиз шароитида ўстирилаётган *C. sativus* ўсимлигининг биоморфологик

Модель ўсимлиқ	Умумий баландлиг и (см)	Барг ўлчами			Гулбандн и узунлиги (см)	Гулкўрғон ўлчами			Гинецийн и узунлиги (см)
		сон и	узунлиги белгилари келтирилган (см)	эни (мм)		узунлиг и (см)	эни (см)	диаметр и	
1	10,0	9	7,4	2,0	5,9	3,5	1,7	5,5	2,8
2	9,6	9	9,2	3,0	6,3	4,4	2,2	6,0	3,2
3	7,5	9	7,3	2,2	5,8	3,4	1,7	4,7	2,5
4	10,0	10	9,5	2,0	5,4	3,0	1,5	4,6	2,3
5	9,3	6	8,2	2,3	6,0	3,2	1,7	6,0	2,5
6	10,5	11	6,6	2,0	6,5	2,9	1,7	4,5	1,8
7	11,3	9	6,4	1,8	6,5	3,0	1,8	5,5	2,4
8	7,3	11	4,0	3,0	4,2	2,5	1,5	5,4	1,7
9	11,5	16	9,5	2,5	6,1	3,1	1,8	5,6	2,5
10	10,5	15	9,6	2,5	6,8	3,7	1,8	6,0	3,0
Ўртача	$9,7 \pm 0,42$	10	$7,7 \pm 0,54$	$2,3 \pm 0,1$	$6,0 \pm 0,22$	$3,3 \pm 0,1$	$1,7 \pm 0,0$	$5,4 \pm 0,1$	$2,5 \pm 0,14$

Хулоса қилиб айтганда, экма заъфарон ўсимлигини Термиз шароитида тўғри агротехник Изоҳ: юқоридаги жадвал Стъюдент методи бўйича Excel дастурида ишланди.

Ўсимликини қатор тортмасдан текис майдонга экиш қатор тортилган майдонга нисбатан кўп тугунак пиёз талаб этади ва агротехник ишлов бериш жараёнини қийинлаштиради. Қатор тортилган майдонларда экилган ўсимл

икда репродуктив кўпайиш анча юқори эканлиги кузатилди.

ишловни ташкил этган ҳолда юқори ҳосил олишга эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Тўхтаев Б.Ё., Маҳмудов А.В., Хуррамов Ш.Ш. “Ўзбекистонда экма заъфарон (Шафран посевной – Crocus sativus L.): интродукцияси ва плантацияларини ташкил этиш”.- Тошкент, 2018.- 119 б.
2. Jumaev X., Nazaralieva M. Some bioecological characteristics of crocus Sativus L. cultivation growing in Termez conditions International journal for Advanced research in Science & Technology 17.07.2020. Pages 92-95.
3. Abdusamat B., Gulirukhsor G. Bioecology and prospects of essential oil and medicinal plants cultivation in Surkhandarya region // Texas Journal of Multidisciplinary Studies. – 2021. – Т. 1. – №. 1. – С. 225-227.
4. Begmatov Abdusamat Mamatkulovich, Sattarov Abdumurod Sattarovich, Bioecological Properties of stevia rebaudiana Bertoni in introduction conditions , The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering: Vol. 2 No. 10 (2020): Volume02Issue10.
5. Begmatov A. M. et al. To study the growth and development of the sumbul kovrak (ferula sumbul) // Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 12. – С. 149-152.